

Пудрат шартномасн (Жорий таъмирлаб, фойдаланишга топшириш тугрисида)

Булокбоши тумани

№ 1

2022 йил «19» Апрель

Булокбоши туман Санитария эпидемиология осойишталик маркази номидан ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи. бошлиқ Т.Кукиев бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва "Rivoj Barokati" МЧЖ, ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи И.Араббоев иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи куйидагалар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. Атамалар Шартномада куйидаги атамалар кулланилади:

- "Ижро ҳужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар, ишларини бажаришда қўлланилган хом ашёлар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар, оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

- "Лойиха-смета ҳужжатлари" (ЛСХ): иншоот қурилиши учун лойихалаш институти томонидан тайёрланган ишлар ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган ҳужжатлар туплами;

- "қурилиш майдони": шартнома доирасида, барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Иншоотнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

- "Вактинчалик ишлар": Пудратчи -томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай кўринишдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

- "Беркитилган ишлар" : - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- "Жорий молиялаштириш": - шартномада белгиланган ишлар қийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич молиялаштирилиб бориш.

II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи шартнома шартларига мувофиқ Булокбоши туман Санитария эпидемиология осойишталик маркази биносини жорий таъмирлаш қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса, Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва қурилиш буйича ажратилган маблаг Буюртмачининг ҳисоб рақамига келиб тушганидан сунг туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 138 000 000,00 (Бир юз уттиз саккиз миллион сум 00 тийин) сумни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда ;

иншоотнинг қурилишини бир йилдан ортиққа узайтирилганда ;

Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни шакллантириш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномалар битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-булимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади :

барча ишларни иншоот лойиха - смета ҳужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш хом ашёлари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида ваютшчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.1999 йил кунги 532-сонли қарорига асосан, қурилиш таваккалчиликларни сугурта қилиш;

- иншоотни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда, қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инветарлар, қурилиш хом-ашёлари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- иншоотда ҳавфсизлик техникасини таъминлаш;

- қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

- ҳисобот ойининг 27-28-қунидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига иншоотда ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати буйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот ҳужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, кулланилган қурилиш хом-ашёлари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши;

- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдик лойиха-смега хужжатлари буйича иш бажариладиган қисмларининг фотосуратларини Буюртмачига тақдим қилиш;

- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини курсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим қилиш. Шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларни уз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи шартнома буйича барча ишларни уз кучлари билан ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда иншоотнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда, шартномага мувофик, ишларни бажариш учун иншоотнинг лойиха-смета хужжатларини, ярокли булган курилиш майдонини қрилиш иншоотида ишлар тугаллангунга қадар булган даврда, далолатнома билан Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура курилиш назоратини олиб бориш, Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- иншоот буйича маблағ ажратилганидан сунг Пудратчига аванс (Бунак) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- шартнома имзоланган кундан бошлаб, икки ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тулик хажмда бажариш мажбуриятини ошади.

VI. Ишларни бажариш муддати

6.1. Пудратчи биринчи бунак (аванс) тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Курилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан, этиборан 20 кунни ташкил этади.

6.3. Шартнома буйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

7.1. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун туловни маблағ ажратилганидан сўнг амалга оширади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 % микдорида бунак (аванс) утказади. бу 41 400 000,00 (Қирк бир миллион турт юз минг сум 60 тийин) сумни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига (бунак) аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади. (1 ва 2-иловалар).

7.3. Жорий молиялаштириш берилган бунак (аванс) маблағини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар сифати Буюртмачи томонидан текширилганидан сунг иншоотнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70 % доирасида амалга оширилади, бу 96 600 000,00 (Туксон олти миллион олти юз минг сум 00 тийин) сумни ташкил этади.

7.5. Пудратчи иншоот фойдаланишга топширилгунга қадар шартнома буйича мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Иншоотнинг Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. Ишларни бажариш

8.1. Буюртмачи курилиш майдонида уз вақили - Техник аудиторный тайинлайди, у Буюртмачи номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган хом ашё, асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигида текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилиши ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник аудитори ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича ўтказиладиган йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва шартноманинг 6 - булимида курсатилган муддатларни мувофиқлаштирган уз режаси ва жадвалига биноан иншоотда ишларни бажаришни мусгакил равишда гашкил этади.

8.5. Пудратчи иншоотда ишларни олиб боршп тартибини давлат архитектура - курилиш назорат органларини шан қелишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Курилиш мавдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тутрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб шиш учун жой ажратиш туфисидаги хужжатларни беради.

8.8. Буюртмачи курилиш майдонини бериш туфисидаги ддлшшшма имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда, курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва иншоогаи привязка қилиш учун Пудратчига пюдезм нукталари. уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан иншоотнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик беогилари, улчамлари ва булиш уқдарнинг мувофиқлиги туфи жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.10. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган геодезия ишларида ҳатолар аниқданса, Пудратчи Буюртмачи билан қелишган ҳолда тегишли тузаташларни уз ҳисобқдан қиритади,

8.11. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларини сақдайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани буйича Буюртмачига беради.

8.12. Курилиш майдонда ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.13. Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар, тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, ддалат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқдовчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

8.14. Алохида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр булишига караб, уларни қабул қилиш бошланишидан икки кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Давлатархитекуракурулишназорат” инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.15. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитеуоуракурулишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.16. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.17. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган булса ёки у бу хабардор қилинмаган булса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширс, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

8.18. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг суб пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи уз қучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбур.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

8.19. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан Йул участкалари ва йулақларини супуруб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллашунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, хом ашёлар, асбоб-ускуналар берилиши, хичматлар курсатилиши санаси, ишларининг қабул қилиб олиниси, утказилган синовлар, хом ашёларнинг уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолшилар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-қесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс етгирилади.

8.21. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатдан ёки Пудратчининг қайдларидан қрникмаса, у холда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни уз кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларини куриқлаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллашунга қадар ва курилиш тугалланган иншоот Буюртмачитомонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони худудидаги хом ашёлар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада куриққанишини таъминлайди.

9.2. Таъмирланган иншоот, шунингдек хом ашёлар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк иншоот қабул қилибшингандан кейин сакпанишиучун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган қуч (Форс-мажор) холатлари.

10.1. Шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгибулмайдиган қуч холатлари натижасида қелиб қикса ва бу холатлар шаршоманин бажарилишига бевосита таъсир етсатомонлар жавобгарликдан озод этилади.

Шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу хопатлар юзага қелтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб булмайдиган қуч холатлари ёки уларнинг оқибатларқ бир ойдан қўп вақтга қузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом етгириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини мухоқама қиладилар.

103. Томонлар бир ой ичида қелиша опмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинини талаб қилишга ҳақли.

XI. Курилиши тугалланган иншоотни қабул қилиб олиш.

11.1. Курилиши тугалланган иншоотни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар, томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган иншоотни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Иншоотни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисидаги Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома билан муурожаат этади. Буюртмачи ёзма билдиришномани, олган қундан бошлаб ун қун мобайнида иншоотни қабул қилиб олади.

11.3. Пудратчи таъмирланган иншоотни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин Буюртмачига муурожаат этади. Буюртмачи белгиланган тартибда икки нусха ижро хужжатларини Пудратчига беради.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб иншоот Буюртмачининг мулкига айла

XII. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тулик хажмдава шартаома шаршарвда белгипанган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжяглари хамда курклиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик барча ишлар сифатли бвярилишини;
- узи томоидан курилиш учун кулланиладиган курилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, конструкция ва омиллар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;
- ишларни кабул кшшш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактода бартараф килинишини;
- иншоатдан фойдаланилганда мухандислик тшимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиклигани кафолатпайди.

12.2. Иншоот ва унга кирадиган мухандислик тазимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ишларнинг кафолат муддати томоилар курилиши тугалланган иншоотни кабул килиб олиш туфисвдаги далопатномани имзолаган куцдан бошлаб ун икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томоидан унинг уз хисобидан бартараф зипади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама кушимча келишувида кайд зтилади.

12.4. Аникланган нуксон ва камчиликлар Пудратчи ва Буюртмачи уртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуксон ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, Буюртмачи бу хақца далолатномага тегишли ёзувларни киригади.

XIII. Шартномани бекор килиш

13.1. Буюртмачи:

- шаршома кучга киргандан кейин курилишнинг бшшаниши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вакгга кечиктирилшшца;

- ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риюя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнингсифатн пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шаргноманинг бекор килинишини талаб кшшш хукукига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан оршк муддатта тухтатиб куйилгацда;

- Буюртмачи томонидан молиялашгириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шаршоманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.3. Мазкур шартшманн бекор килишга карор килган томон иккинчи томонга ёзма билдиришнома билдиради.

13.4. Пудратчи Буюртмачи томонидан билдиришнома билдирилган кундан бошлаб 10 кун мудд; "жавоб йуллаши шарт. Акс холда Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор килиб, ишни бошка Пудрачи оркали давом эттириш хукукига эга

XIV. Томонларнинг жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон.

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди.

- Узбекистон Республикаси Фукаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисидаги конуни ва бошка конун хужжатларида хамда шартномада назарда тугилган тартибда жавобгарликка тортилади.

14.2. Буюртмачи шартномавий мажбуриятини бузиб, уз вактида молиянггирмаганлиги учун Пудратчига тулов кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,2 фоизи микдориди пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

14.3. Пудратчи иншоотни уз вактида Буюртмачига топшириш буйича шартномавий мажбуриятини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган кисмининг 0,5фоизи микдориди пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.4. Пудратчи шартнома буйича ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Ишчи ва Давлат кабул комиссияси далолатномаси билан Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вактида бажармаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, шартнома умумий кийматининг 0,01 фоизи микдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 15 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.5. Буюртмачи шартномада белгиланган пенм ва жарималарни, агардауларни ундириш холаш юзага келса, бажарштан ишлар хисобидан Пудраччига амалга оширилиши лшим булган туловлар хисобидан ушлаб кшиш хукукига эга.

14.6. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, куршшш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса у холда Буюртмачи <<Давлатархитектуракурулишназорат>> инспекциясининг хулосаси асосида иншоотда бажарилган ишларни кабул килиш ва унинг учун хақ тулашдан бош тортиш, шунингдек

Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 15 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳукукига эга.

14.9. Муддат утказиб юборилгаилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур дараясада бажарилмагани учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Нюоларни хал этиш тартиби.

15.1. Томонлар шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни узаро хал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни узаро хал этолмас-ар, белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан куриб чиқилади. Агар тарафлар уртасидаги нюо молнялаштириш буйича келиб чиқса, ишга молиялаштирувчи органнинг жалб этилиши таъминланади.

15.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар буйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ кечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Шартнома имзолангандан кейин шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги Ёзма ва опаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

16.2. Пудратчи курилиш иншоотга ёки унинг алоҳида қисмлариш тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирои-бир учинчи томонга сошш ёки бериш ҳукукига эга эмас.

16.3. Шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлашпфилган ва томонлар уларни имзолаган булса ҳақиқий ҳужжабланади.

16.4. Пудратчи ишлар якунлаиганидан кейин курилиш майдонда узига тегишли мол-мулкни таддирса, у хрлда Буюргаачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақли.

16.5. Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қулланилади.

16.6. Томонларнинг юридик манзили, хизмат курсатаётган банкки ва бошқа реквизитлари узгарса улар 3 кун муддат ичида бир-бирларига ёзма равишда билдиришлари шарт.

16.7. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган 3 нусхада тузилди:

16.8. Шартнома томонлар имзо чекилиб тегишли Газначилик бўлинмасидан руйхатга олинган қундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабр қунига қадар амал қилади.

XVII Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

«БУЮРТМАЧИ»

Булокбоши туман Санитария эпидемиология осойишталик маркази

Булокбоши туман Кашкар МФЙ

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

Х/р: 234020003000100001010 МФО: 00014

ИНН: 201122919

ШХВ: 100022860032107074110054001

ИНН: 200266709 ОКОНХ:91514

Булокбоши туман бўйича Газначилик

бўлинмаси

Рахбар

«ПУДРАТЧИ»

"Rivoj Barokati" МЧЖ

Булокбоши т. Шарк Юлдузи МФЙ

Х/р: 20208000105195656001

Микрокредитбанк АТВ Андижон вилоят фил.

МФО: 00078 ИНН: 307194363

ОКОНХ:

Рахбар

И.Араббоев



Рахбар

Т.Кукиев



2022 йил «19» апрель кунги

«1» - сонли шартномага 1 – илова

Шартнома нархнинг молиялаштириш графигига мувофиқ жорий баҳода Булоқбоши туман Санитария эпидемиология осойишталик маркази биносини жорий таъмирлаш курилиш ишларини бажариш ишлар босқичи киймати курсатилаган ҳолда булиниш жадвали

№	Ишлар тури ва номи	Ишлар ҳажми	2022 йил учун курилиш киймати
1	2	3	4
1.	Булоқбоши туман Санитария эпидемиология осойишталик маркази биносини жорий таъмирлаш курилиш ишларини бажариш	138 000 000.00	138 000 000.00
	Жами	138 000 000.00	138 000 000.00

Ишлар номи ва тури хар бири аниқ ҳолда иншоотнинг хусусиятларига қараб аниқлаштирилади.

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси ҳисобланади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
2. Келгуси йиллардаги курилиш ишлари учун ҳам шундай график тузилади.

Буюртмачи

М.У

Бошлик



Т.Кукиев

Пудратчи



И.Араббоев

2022 йил «19» апрель кунги

«1» - сонли шартномага 2 – илова

Булокбоши туман Санитария эпидемиология осойишталик маркази биносини жорий таъмирлаш курилиш ишларини бажариш бўйича бюджет маблағлари хисобидан молиялаштириш умумий графиги (бунак туловлари ва жорий молиялаштириш тартиблари билан биргаликда)

Молиялаштириш тартиби	Жами	2022 йил Ойлар											
		Апрель	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр				
30 % бунак (аванс)	41400000	41400000											
Жорий молиялаштириш	96600000	96600000											
Хаммаси	138000000	138000000											




Т.Кукчиев




И.Араббоев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA
№ LD5151074672**

1. Loyihaning turi

SHARTNOMA

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

“Buyurtmachi” deb yuritiluvchi o‘z Nizomiga asosan faoliyat olib borayotgan Buloqboshi tuman Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik jamoat salomatsizligi xizmati bo‘limi nomidan harakatdagi Nizomi asosida ish yurituvchi boshliq T.Ko‘kiyev, bir tomondan va ikkinchi tomondan “Pudratchi” deb yuritiluvchi “Rivoj barokati” MCHJ harakatdagi Nizom asosida ish yurituvchi I.Arabboyev.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot

Buloqboshi tuman SEO JSX bo‘limi 16.04.2022y.

Loyiha: O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni imzolash mumkin.

2022-yil “19” aprel

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi
bosh yuriskonsulti**



F.R.Madaminov